O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2008 йил 29 ноябрь ШАНБА

№ 95 (12.106)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

www.th.uz

*Қомусимиз – бахтимиз*

## ВАТАН ОЛДИДАГИ БУРЧ ТУЙҒУСИ

**Бахтимиз қомуси бўлмиш Конституциямизда мамлакатимизнинг давлат суверенитети, қонун устуворлиги, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда бурчлари, жамиятнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий негизи ва миллий давлатчиликни ташкил этиш, ривожлантириш йўллари, ички ва ташқи сиёсати белгилаб берилган.**



Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлат қуриш учун ўзига хос йўлни танлар экан бунда жаҳон давлатлари ва ўзбек миллий давлатчилиги тажрибаларидан кенг фойдаланилди. Демократия ва ижтимоий адолатга содиқлик халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидаларининг устунлигини тан олиш шулар жумласига киради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг биринчи моддасида ифодаланганидек, ижтимоий ҳаётда кўппартиявийликка амал қилиниши ҳам демократиянинг ёрқин кўринишларидан биридир. Ҳозирги кунда мамлакатимизда тўртта сиёсий партия фаолият кўрсатмоқда. Барча соҳаларда амалга оширилаётган улкан ўзгаришларда сиёсий партияларнинг ўрни катта. Уларнинг аъзолари турли миллатга мансуб кишилар. Ўзбекистон Республикасининг балоғат ёшига етган ҳар бир фуқароси миллати, тили ва динидан қатъи назар, юртимизда фаолият кўрсатаётган истаган сиёсий партияга аъзо бўла олади.

Партия аъзоларини ушбу партия доирасида партиявий маслак бирлаштириб турса, мамлакатимиз миқёсида барча партиялар аъзоларини ватандошлик туйғуси жипслаштиради. Ватандошлик туйғусидан эса ягона Ватан олдидаги масъулият ва бурч туйғулари вужудга келади. Бинобарин, ватандош қалбида юксак туйғуларни тарбиялаб, камол топтиришда барча сиёсий партияларнинг туб мақсадлари туташади ва бу қудратли куч бўлиб, буюк келажагимизни бунёд этишга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида таъкидлаганидек, "Ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун, аввало, киши организмида унга қарши иммунитет ҳосил қилинади. Биз ҳам фарзандларимизни она-Ватанга муҳаббат, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига садоқат руҳида тарбиялаш учун, таъбир жоиз бўлса, аввало уларнинг қалби ва онгида мафкуравий иммунитетни кучайтиришимиз зарур. Токи ёшларимиз миллий ўзликни, шу билан бирга, дунёни чуқур англайдиган, замон билан баробар қадам ташлайдиган инсонлар бўлиб етишсин".

Дарҳақиқат, худди шундай, фуқароларимизни, айниқса, ёш авлодни юксак миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш долзарб вазифалардан бири бўлиб турибди. Зеро, буюк келажак ва улуғвор мақсадлар сари дадил одимлаётган Ўзбекистонимизни муқаддас маконим деб билган ҳар бир фуқаро унинг бахт-саодати, куч-қудрати ва фаровонлигини оширишга муносиб ҳисса қўшишни ўзининг олий бурчи деб ҳисоблаши лозим.

Ана шу бурч туйғусини уйғотиш, шакллантириш ва бойитишда сиёсий партиялар олиб бораётган тарғибот-ташвиқот ишлари савиясини янада ошириш, кўламини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, халқ оммасининг турли қатламларига теранроқ кириб бориш муҳим аҳамиятга эгадир.

**Гулнора НОСИРХЎЖАЕВА,**
**Тошкент Давлат юридик институти доценти, фалсафа фанлари номзоди.**
**Ҳуррият ИБРОҲИМОВА,**
**Жаҳон тиллари университети катта ўқитувчиси.**



## КУЗГИ ШУДГОР ЕРГА МАДАД БЎЛАДИ

**Асл деҳқонлар тупроқ унумдорлигини ошириш, мелиоратив ҳолатини яхшилашда кузги шудгор катта аҳамият касб этишини биладилар. Айни кунларда вилоятимиздаги кўпгина фермер хўжаликлари деҳқонлари кузги шудгорни ниҳояламоқдалар.**

Оққўрғон туманидаги "Ғофуржон – Дилноза" фермер хўжалиги тасаррўфида 102 гектардан зиёд экин майдони мавжуд. Унинг 17 гектарига экилган ғалла барвақт униб чиқиб, қалин майсалади. Ғалла парваришида биринчи суғоришнинг, айниқса, минерал ва маҳаллий ўғитлар билан озиқлантиришнинг самараси катта бўлди.

Асосий эътибор баҳорда деҳқончилик қилинадиган майдонларда шудгорлаш ишларини тезроқ якунлашга қаратилаяпти. Ишни белгиланган график бўйича олиб боришда ҳудуддаги "Гулистон-Бўстон" муқобил машина-трактор парки билан қилинаётган ҳамкорлик қўл келмоқда.

**СУРАТДА:** механизатор Абдуқосим Мирзаев, хўжалик иш юритувчиси Ҳабибулла Бердиқулов ҳамда муқобил машина-трактор парки раҳбари Саидвали Аҳмедов шудгор сифатини аниқламоқдалар.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*Ф А Р М О Н И*

## ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ ҲИМОЯЛАШ КАФОЛАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг омонатларини жаҳон молиявий кризисининг эҳтимол тутилган салбий оқибатларидан ҳимоялашнинг ишончли кафолатларини таъминлаш, мамлакат банк тизимига аҳолининг ишончини тобора мустаҳкамлаш, аҳоли омонатларини тижорат банкларига жалб қилиш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, "Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, жисмоний шахсларнинг тижорат банклари депозит ҳисобварақларига жойлаштирилган пул маблағлари давлат томонидан ҳимояланган ва фуқароларнинг омонатлари бўйича ҳақ тўлашнинг ишончли кафолатлари қонунан таъминланади.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ омонатларнинг миқдорларидан қатъи назар, фуқароларнинг тижорат банклари депозит ҳисобварақларидаги омонатлари бўйича тўла ҳажмда ҳақ тўлаш кафолатланади.

3. Белгилансинки, фуқароларнинг омонатлари бўйича тўлиқ миқдорда ҳақ тўлаш тижорат банкининг маблағи ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ тижорат банкларининг бадаллари ва ажратмалари ҳисобига шакллантириладиган Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Марказий банк ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ҳафта муддатда "Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига ушбу фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига таклифлар киритсин.

5. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. М. Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг раиси Ф.М.Муллажонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2008 йил 28 ноябрь.

## МАТБУОТ АНЖУМАНИ

**Ўзбекистон Миллий матбуот марказида 1 декабрь – Халқаро ОИТСга қарши кураш куни муносабати билан матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда журналистлар билан бирга, соғлиқни сақлаш тизими раҳбарлари, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.**

Ҳар йили 1 декабрь – Жаҳон ОИТСга қарши кураш куни арафасида бу борадаги ишлар атрофлича таҳлил этилади. Жорий йилда ҳам ОИТСга қарши кураш кампанияси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, "Sen Yolg'iz Emassan" Республика жамоатчилик болалар жамғармаси ва бир қатор халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида олиб борилмоқда. Тарғибот кампанияси доирасида мутахассис ва шифокорлар иштирокида турли учрашувлар, анжуманлар, мулоқотлар, хайрия тадбирлари, ОИТСга қарши курашга бағишланган кўрик-танловлар ўтказилиши кўзда тутилган.

Матбуот анжумани якунида ОИТСга қарши кураш бўйича тайёрланган энг яхши журналистик материал учун ўтказилган танлов ғолиблари тақдирланди.

**ЎзА.**

*Қонун шарҳи*

## ИНВЕСТОРЛАР ҲУҚУҚИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ КАФОЛАТЛАРИ

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 23 ноябрда қабул қилинган ҳамда Сенат томонидан 2008 йил 27 март куни маъқулланган "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 47-моддасига қўшимча киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланди ва матбуотда 2008 йил 10 апрелда эълон қабул қилинди. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди.**

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2008 йил 8 февралда бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисдаги маърузасида хусусийлаштириш ишларига нисбатан муносабат ва ёндашувларни тубдан ўзгартириш лозимлигини таъкидлаб, бунда амалдаги қонунчиликнинг меъёрий қоидаларини қайта кўриб чиқиш, қабул қилинган инвестиция мажбуриятларини сўзсиз бажариш ва хусусийлаштирилган корхоналарнинг самарали фаолият юритиши учун янги мулкдорларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий жавобгарлигини назарда тутадиган нормаларни кучайтириш, бу борада асосий вазифа – хусусийлаштириш жараёнларига ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник янгилаш, жаҳон бозорида харидоргир бўлган маҳсулот ишлаб чиқариш мажбуриятини ўз зиммасига оладиган ишончли ва масъулиятли инвесторларни жалб қилиш учун барча қулай шарт-шароитларни яратиб беришдан иборат эканлиги тўғрисида алоҳида тўхталган эдилар.

Президентимизнинг 2007 йил 20 июлда "2007-2010 йилларда хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 672-сонли Қарори қабул қилинган бўлиб, унда муҳим стратегик тармоқлар корхоналарининг устав жамғармаларида давлат улушини кескин камайтириш, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда хусусий мулкчиликнинг ролини ошириш, шунингдек, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, шу асосда сифатли, рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришни таъминлаш мақсад қилиб белгиланган эди. Шу мақсадларга эришиш йўлида давлат активларини инвестиция киритиш мажбуриятлари билан сотишда инвесторлар томонидан эркин алмаштириладиган валютада пул маблағлари шаклида киритиладиган инвестициялари корхоналарнинг алоҳида ҳисоб рақамига ўтказилишини ва мажбурий тарзда сотилмаслигини кўзда тутувчи тартиб жорий этилиши, бунда инвестиция мажбуриятлари сифатида киритиладиган маблағ ва мулк даромад (фойда), ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ҳудудларни ободонлаштириш ҳамда қўшилган қиймат солиқларига тортилмаслиги, шунингдек, инвестиция даври мобайнида тузиладиган олди-сотди шартномасига мувофиқ корхонанинг олдинги қарзини қоплаш ҳисоб рақамига мажбурий тарзда ундириб олинмаслиги кабилар белгиланган эди.

"Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 47-моддасига қўшимча киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни инвестор билан давлат мулкини бошқариш бўйича ваколатли давлат органи ўртасида тузилган шартномага мувофиқ инвестиция мажбуриятлари сифатида киритилаётган маблағлар ва мол-мулк инвестиция даври мобайнида қарздорнинг илгари юзага келган қарзини қоплаш ҳисобига мажбурий тартибда ундириб олинмаслигини назарда тутувчи нормани қонунан мустаҳкамлаб қўйди. Маълумки, ҳозирда мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқларида нодавлат сектори улушининг муттасил ошиб бориши, хусусий мулкчиликни шакллантириш, унинг иқтисодиёт таркибидаги аҳамияти ва улушини тубдан ошириш мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг энг муҳим устувор йўналиши бўлиб қолмоқда. Давлатимизда кўп укладли иқтисодиётнинг шаклланиши натижасида хусусий сектор деярли барча соҳаларда тобора устувор аҳамият касб этмоқда.

"Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг "Ундирувни қарздорнинг пул маблағлари ва бошқа мол-мулкига қаратиш тартиби" деб номланган 47-моддасига тўққизинчи қисм сифатида киритилган мазкур қўшимча иқтисодиётнинг реал секторига инвестицияларнинг жалб этилишини фаоллашишига, хусусийлаштириш жараёнлари ва инвесторлар томонидан инвестиция киритиш учун мақбул ва қулай шарт-шароитларни яратиш, маҳаллий ва хорижий инвесторларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, инвестиция ресурсларидан фойдаланишнинг мақсадлилигини таъминлаш орқали хусусийлаштирилган корхоналар фаолиятининг самарадорлигини ва рақобатга бардошлигини ошириш учун ҳуқуқий асос сифатида хизмат қилади.

**Д. ҚУРБОНОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош илмий ходими.**

**Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликлари билан ҳамкорликда таълим муассасаларида солиққа оид тушунчалардан сабоқ бериш борасида махсус режа ишлаб чиқиб, қатор дарсликлар яратди.**

## СОЛИҚҚА ОИД САБОҚЛАР

Жумладан, "Иқтисод ва солиқ алифбоси" бошланғич синф ўқувчиларига мўлжалланган бўлса, "Иқтисод ва солиқ сабоқлари" 5-7-синф, "Солиққа тортиш асослари" 8-9-синф ўқувчилари учундир. Ноиқтисодий йўналишдаги олий таълим муассасалари талабалари учун "Солиқ ва солиққа тортиш" дарслиги яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида мазкур дарсликларнинг тақдимоти бўлиб ўтди. Тадбирда юртдошларимизда солиқ маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани ва солиққа оид тушунчаларни тарғиб этиш жараёнига аҳолининг деярли барча қатламлари қамраб олинаётгани таъкидланди.

**ЎзА.**

*Газетада босилмади, аммо...*

## ТАЛАБ ҚОНДИРИЛАДИГАН БЎЛДИ

**Оққўрғонлик Фотима Тўраева таҳририятга шикоят хати билан мурожаат қилган эди. Унда баён этилишича, Ф. Тўраева 2002 йилдан бери туман марказидаги "Оталар чойхонаси" ҳудудидаги "Матбуот тарқатиш корхонаси"га қарашли дўкон (киоска)да ишлаб келади.**

Бу йил шу чойхона тадбиркор Файзи Усмоновга хусусийлаштириб берилди. Шундан сўнг Ф. Усмонов газета дўкони ўрнига савдо дўкони қуриш ҳаракатига тушди. Ф. Тўраева эса, табиийки, қаршилик кўрсатди. Натижада хусусий тадбиркор Ф. Усмонов судга мурожаат қилишга мажбур бўлди.



"Фуқаролар ишлари бўйича Ўртачирчиқ туманлараро суди тўрт болам борлиги, улардан бири 1-гуруҳ ногирони эканлиги, дўкондан айрилсам, уларни боқишга қийналиб қолишимни айтсам ҳам дўконимни олиб ташлаш ҳақида қарор чиқарди" деб ёзади Ф. Тўраева шикоят мактубида. Ушбу шикоят хати юзасидан таҳририят Оққўрғон тумани ҳокими А. Ғафуров ҳамда вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари Б. Хўжаев имзолари билан жавоб мактублари олди.

Туман ҳокимлигининг жавоб хатида, жумладан, шундай дейилади: "Фуқаро Фотима Тўраеванинг шикояти туман ҳокимлиги комиссияси томонидан ўрганиб чиқилди. Ўрганиш давомида "Матбуот тарқатиш корхонаси" дўкони хусусий тадбиркорнинг Давлат кадастри томонидан ажратиб берилган ери ичида жойлашганлиги аниқланди. Туман комиссияси хулосасига асосан газета дўконини шаҳар марказининг бошқа жойига кўчириш мўлжалланди".

Вилоят прокуратурасининг жавоб мактубида баён этилишича, газета дўкони учун Охунбобоев кўчасидаги "Қўчқор чавандоз" фермер хўжалиги савдо мажмуаси ёнида бўш турган ер майдонини ажратиб бериш таклиф қилинди.

**2009 йил учун обуна давом этмоқда**

**«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»** газетасининг индекси – **205.**

